

## ОТА-ОНАЛИК МАЪСУЛИЯТИНИНГ ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ

Д.Т.Исмадова  
Бухоро Давлат Университети

*Анотация:* Ушбу мақолада фарзанд тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари ва ота-она маъсулиянинг фарзанд тарбилашдаги аҳамияти хусусида келтириб ўтилган.

*Калит сўзи:* протекция, гиперпротекция, сусткашлик, кўр-кўрона, оммавий маданият.

## PARENTAL RESPONSIBILITY FOR THE UPBRINGING OF CHILDREN PSYCHOLOGICAL EFFECTS

D.T.Ismatova  
Bukhara State University

*Annotation:* This article discusses the specifics of parenting and the importance of parental responsibility in parenting.

*Keywords:* protection, hyperprotection, procrastination, blindness, popular culture.

Хар бир оилада фарзанд дунёга келар экан уни асраб авайлаш ота-она олдидаги энг катта маъсулиятдир шундай эмасми? Дарҳақиқат, бола тарбияси ҳақида сўз борар экан юртимиз равнақи учун муносиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказишдек масъулиятли ва улкан вазифани ўз олдига мақсад этиб қўйган ҳамда ундан фахрлана оладиган инсонлар чинакам фидойи ота-оналардир. Фарзандларимиз бор экан, ана шундай фидойи ота-она бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Мана шу бурчимизни англаб бораётганимиз ва оиладаги маъсулияларни ҳар доимгидек ўзимизга сарфлашимиз фарзандларимиз улғайиб боришлари билан уларнинг психологиясида таъсир этмасдан қўймайди. Бундай вазиятда ўсмирлик давридан илк ўспиринлик даврига ўтишни бошлаган ёшлар онгида маъсулият деган тушунча ўрнида бир қанча ибораларни ҳаётларида қўллай бошлайдилар. Яъни ота-онанинг домий очикчасидаги назорати уларнинг ёпиқ ҳолатдаги жараёнларни ўтишига ёхуд айрим бажара оладиган вазифаларни фарзандларнинг зиммасида эмас ўзларининг ташвишларига қўшиб қўйишлари боладаги иккиланиш ва бефарқлик каби хусусиятларининг ортиб боришига олиб келади.

Психологларимиз ота-оналикнинг энг муҳим сифатларига аввало – *протекция* ёки фарзандларини тарбиялаш учун сарфланадиган кучда деб баҳолайдилар ва буни қуйидаги гуруҳларга бўладилар;

*Гиперпротекция* – ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан ҳаддан зиёд эътибори бўлиб, бу уларнинг бола тарбияси учун куч, вақт ва эътиборни аямасликларида намоён бўлади. Ота-она бу ишни ҳаёт тарзига айлантиради, яъни она учун ҳам, ота учун ҳам бола тарбияси ҳаётининг мазмун-муддаосига айланади.

*Гиперпротекция* – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш; болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш, оддий ютуқларидан қувониш, хатоларини сезмасликка қаратилган ҳаракатлар. Боласи учун “жонини жабборга берувчилар” одатда ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар, натижада бола келажакда ишга тоқати йўқ, кўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайдиган, ҳаётнинг паст-баландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантик, эрка бўлиб қолади.

*Ғамхўрликдан устун келадиган гиперпротекция* – бунда эркалатишдан кўра ота-она томонидан боласининг ҳар бир юрган қадами ва хатти-ҳаракатини назоратга олиш орқали унга эътибор бериш назарда тутилади. Шунинг учун бу тарбия услубида турли хил таъқиқлар, чегаралашлар (“у мумкин эмас”, “бу мумкин эмас” қабилида) бисёр бўлади. Бундай шароитда катта бўлган бола одатда мустақил фикрли, мустақил қарорлар чиқарувчи бўлолмайди, лекин салга жаҳли чиқадиган, кўп нарсалардан норози ҳолда катта бўлади, чунки у доимий назоратга, бировларнинг ҳамма йўл-йўриқларни кўрсатиб, айтиб беришларига ўрганиб қолади: онасисиз дарс таёрлай олмайдиган, отасисиз кўчага чиқмайдиган бўлади, барча ишларида катталарнинг аралашувига кўникиб кетади.<sup>1</sup>

*Ўта кучли ахлоқий масъулият* – бунда ота-она томонидан болага нисбатан талаблар даражаси юқори бўлади, лекин унинг асл хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари унчалик эътиборга олинмайди. Ота-она боласининг келажagini пухта қилишни ўйлаб, унинг юриш-туриши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда, шахсий тасавуридаги инсонни яратишга, шахсни шакллантиришга уринадилар, баъзан назорат остида боланинг ёши, ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади. Масалан, “сен тўнғичимизсан, укаларингга сен қарашинг керак”, деган маънода унга оиладаги кичик аъзоларга ёки касалликка

<sup>1</sup> Оила психологияси : Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун : В.М.Каримова. – Т.: 2007. – 316 б

чалинган оила аъзосини парвариш қилиш каби масъулиятли ва оғир ишлар ҳам юкланади. Оилавий тарбиянинг яна бир шакли мавжудки бунда оила аъзоларининг ҳар бири битта болага нисбатан турлича тарбия услубларини қўллайди, масалан, отаси ўта меҳрибон, она ўта қаттиққўл, ёки ота-она боланинг хулқини жуда назорат қилиб, масъулият билан унинг ахлоқий тарбияси билан шуғуллаланади, бувилари эса аксинча, уни эркалатиб, издан чиқиб кетишини – “ҳали ёш, катта бўлганда ўзи яхши бўлиб кетади”, қабалида маъқуллайверади.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантириш, келин танлаш, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати соғлом фикрли, билимли, ахлоқ – одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонини тиккан инсонлар қўлида. Бундай инсонлар илк бор оилада тарбияландилар. Болаларнинг хулқ атворидаги хатолар ота-оналарнинг хатоларидир. Оила, оила аъзоларининг, айниқса ота-онанинг ахлоқий-маънавий етуклиги ва маърифий қарашлари фарзанд тарбияси ва камолида энг зарур ва муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Оила болаларни келажакдаги эр-хотинлик, шунингдек оилавий ҳаётига тайёрловчи мактабдир. Демак, оиланинг мустақил ҳаёт йўлидан тетик одим ташлаши учун унда соғлом ва ақлли фарзандлар дунёга келиши керак ва ота-она унинг муносиб тарбияланишини узлари учун энг муқаддас ва шарафли, қолаверса ўта масъулиятли вазифа, деб билишлари лозим. Оиладаги соғлом муҳит, меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат ва тотувлик ота-онанинг билим савияси, иймон эътиқоди, дунёқарашининг бойлиги, пул ва моддий бойликларга муносабати ва шу каби жуда кўп нарсаларга ҳам боғлиқ. Оила муҳитида, яхши ижобий муносабатлар доирасида кечган боғлиқлик билан ота-онасиз ўсган етимхонадаги болалардаги боғлиқлик ўрганилганда, айти хавфсиз боғлиқлик борасида улар ўртасида катта тафовут борлиги исботланган.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, ота - онанинг болани нормал психик тараққиётида роли улкан. Бу таъсир боланинг чақалоқликдан кейинги даврларида ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Шу нинг учун биз фарзандларимиз тарбиясига маъсулият билан ёндашишимиз керак.

Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги кўпол

<sup>2</sup>Авдеева Н.Н., Хаймовская Н.А. Зависимость типа привязанности ребенка к взрослому от особенностей их взаимодействия (в семье и Доме ребенка) // Психологический журнал. – М.: 1999. – Т. 20. – № 1. – С.

муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутди. Бола ота-она томонидан кўпол, дағал сўзлар эшитиб, калтак еб катта бўлса, бу унинг табиатига салбий таъсир қилади. Бу эса ўз навбатида оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал” инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар “оммавий маданият” таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан баҳобар бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёнлидир.

Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак?, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим, деб жавоб берган. Яна шу сўзга қўшимча қилиб таниқли педагог А.С.Макаренко беш ёшгача бўлган тарбия боланинг шахсияти шаклланишида ўта муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтган. Бу ҳақда у шундай деб ёзган: “...тарбиянинг бош асоси беш ёшда ниҳоясига етади, демак, сиз беш ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу тарбиявий жараённинг 90 фоизини ташкил этади, кейинги тарбия эса қайта тарбиялаш негизида давом этади”. Мана шу жараёнда бола тарбиясига ўта эътиборли бўлиш лозим. Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аجدодларимиз мероси катта аҳамият касб этади.

Ўғил болалар тарбияси билан кўпроқ ота, қиз бола тарбияси билан эса она шуғулланади. Албатта бунда фарзанднинг савиясини инобатга олиш муҳим. Болани бирор-бир ютуққа эришишида, натижани кўришга шошмаслик керак. Масалан икки ёшгача фақат ширин сўз билан, эркалаш орқали тарбия қилинади. Беш ёшгача бола атрофни ўрганади, асосий маълумотни шу ёш оралиғида эгаллайди. Бу даврда биз кўпроқ амалий жиҳатдан намуна бўлишга уринишимиз, соғлом оилавий муҳитни яратишимиз зарур бўлади. Оилада отанинг болаларига лоқайд бўлиши охири хунук оқибатларга сабаб бўлади. Лоқайдлик ёмон иллат бўлиб, у бола тарбиясининг бузилишига катта йўл очади. Ота сусткашлик қилиб, бурчини

адо этмагани ва манфаатли илм ҳамда яхши амални ўргатмагани оқибатида ўз фарзандидан зарур ижобий ҳислатларни шакллантира ололмаган. Фарзанд ҳам отасининг яхши тарбиясидан маҳрум бўлиб ўсади. Кейинги давр эса бир оз талабчанлик ва интизомни талаб этади. Бу давр ўсмирлик пайти бўлиб, бола оқ-қорани айни шу даврда ажратади. Яхшилиққа муқофот, ёмонлиққа жазо муқаррарлигини шу босқичдан ўрганади. Бу даврда фарзанд тўғри йўлга солинса, тарбияли дўстларга ҳамроҳ қилинса, унинг одобли бўлиб, яхши инсон бўлиши учун муҳим кадам қўйилади. Одатда оналар ўз болаларининг хато ва камчиликларини отасидан яширишга ҳаракат қиладилар. Айтсам уришади, боламга каттиқ тегади деб, йўл қўйган хатолари, қўл урган ёмон ишларини отага айтмайдилар. Оқибатда бола ўз вақтида танбеҳ олмаганидан кейин бора-бора каттароқ жиноятларни ҳам қўрқмасдан қилавериши мумкин. Яна ҳозирги куннинг муҳим масалалардан бири фарзандингизнинг психологик ҳолатини англаб боришингиз ва унга кўмакчи бўлишингиздир. Чунки ташқи таъсирлар таъсирида болада ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Булардан телефонга ружу қўйиш интернетга ваҳоказо. Бизнинг огоҳ бўлишимиз тарбиянинг асл ўчоғидир.

### Адабиётлар рўйхати

1. Психология семьи: Учебник для педагогических Вузов // Автор: В.М.Каримова. – Т.:, 2007.

2. Авдеева Н.Н., Хаймовская Н.А. Зависимость типа привязанности ребенка к взрослому от особенностей их взаимодействия (в семье и Доме ребенка) // Психологический журнал. – М.: 1999. – Т. 20. – № 1. – С.

### References

1. Psixologiya sem'ya: Uchebnik dlya pedagogicheskix Vuzov // Author: V.M.Karimova. - T.:, 2007.

2. Avdeeva N.N., Khaymovskaya N.A. Zavisimost tipa privyazannosti rebenka k vzrosloму ot osobennostey ix vzaimodeystviya (v seme i Dome rebenka) // Psixologicheskiiy zhurnal. - M.: 1999. - T. 20. - № 1. - S.